




ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


2001 йил 5 октябрь, жума № 156 (1170)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Корхона обрўси маҳсулот сифати билан ўлчанади. Шу маънода «Навоийдонинвест» жамоа ишлаб чиқариш фирмасида кўрсаткичлар тобора яхшиланиб бормоқда. Айниқса, Германиядан келтирилган Вегарип технологиясининг ўрнатилиши билан ҳам миқдор, ҳам сифат ўзгаришига эришилди. Айни кунларда бу ерда соатига 5 тонна салқин ичимлик тайёрлашга эришилмоқда.

Суратларда: ишлаб чиқариш жараёни.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



МУНОСИБ ТАЯНЧ

Самарқанддаги иккиламчи қора металл қайта ишлаш шўба корхонаси республикамизда металл бўлган эҳтиёжни қоплаш йўлида муносиб меҳнат қияпти. Корхона ишчилари металл чиқиндиларини тўплаб, Бекободдаги металлургия комбинатига етказиб бериш билан шугулланади. Ташкилий ишлар тўғрисида кўрилган, жамоадаги аҳиллик натижасида белгиланган режалар ортиси билан бажарилмоқда. Утган йили корхона 2 миллион сўм соф фойда кўрди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 150 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди.

— Бу йилги кўрсаткичларимиз ҳам ёмон бўлмапти, — дейди корхона раҳбари Уктам Нейматов. — Утган йили олган фойдамиз ҳисобидан Темирийўл туманидаги 77-болалар боғчаси, Сибё туманидаги 21-мактабга қурилиш материалларини ёрдам тариқасида олиб бердик.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР САФЛАРИДАН ЗАХИРАГА БЎШАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари сафларидан захирага бўшатилсин.
2. 1974-1983 йилларда туғилган, қақриқ муддатини узайтириш ҳуқуқи эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2001 йилнинг октябр-ноябр ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга қақрилсин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Куролли Кучларни қақрилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги қақриш комиссияларининг ҳар томонлама таъминлашини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғулломов) билан биргаликда қақриш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, қақрилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг

Раиси Тошкент шаҳри, 2001 йил 2 октябрь

И.КАРИМОВ

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати, транспорт ва алоқа мажмуининг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида тўққиз ойлик иш фаолияти яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, кўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисда мажмуа тасарруфидаги идора ва ташкилотларда иқтисодий ислохотларнинг бориши, куз-киш даврига тайёргарлик ва инвестиция дастурларининг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан мазкур мажмуа котибияти муддир О.Алихўжаев, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти гуруҳи раҳбари Ф.Мақсудов, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги директори Ҳ.Холмухаммедов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси кўп жиҳатдан мажмуа таркибидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятига ҳамда уларнинг иш унумдорлигига ҳам боғлиқдир. Шу боис асосий эътибор қурилиш, транспорт ва алоқа тизимларида, коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларида ислохотларни янада чуқурлаштириш, хорижий сармояларни кенг жалб этиш ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлигига қаратилди. Иқтисодиёт тармоқларини қиш мавсумига пухта тайёрлаш, айниқса, таъмин, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда аҳоли турар жойларини газ, сув, электр энергияси ва иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш долзарб вазифа эканлиги қайд этилди.

Мажлисда бу борада жойларда йиғилиб қолган муаммо ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ ҳисоб-китоб назоратини юритиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

(ЎЗА).

Ғиждувон тумани агросаноат мажмуи ҳодимлари касабани уюшма кўмитаси раиси Жамшид Мансуровни Садриддин Айний номли жамоа хўжалигининг Ҳазрат Облакўлов даласида учратдик. Ўши 82 ни қоралаган, ярим асрдан кўпроқ деҳқончилик билан шугулланиб келаятган табаррук отахон билан раиснинг сўҳбати кўр олган эди.

Кўмита раҳбари жамоа ширкат хўжалиги раиси Баҳодир Облакўлов билан ҳамкорликда Ҳазрат ака дала шийпонини таъмирдан чиқариб, ҳақиқий оромгоҳга айлантириб берибдилар.

Кейинги пайтда туман кўмитаси сон жиҳатдан ўсиб, сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Ҳозир кўмита ҳисобида 44 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар сони 23903 тани ташкил этади.

Кўмитада ишлаш учун қулай шароит яратилган:

ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН

кўргазмалар қуроллар, маънавият бурчаги, компьютер ва бошқа жиҳозлар бор. Яна бир ибратли томони шундаки, хусусий мулк эгалари бўлган фермер ва деҳқон хўжалиқларининг 370 тасида касабани уюшма ташкилотлари тuzилган.

Туман ҳокимлиги билан тузилган жамоа келишуви-

нинг бажарилишига жиддий аҳамият берилмоқда.

Касаба уюшмалари иш тажрибасидан

шароитлар яратиш эътиборда турибди.

Туманнинг 13 та пахтачилик хўжалиқларида жойлашган 193 та дала шийпони меҳнатқашларнинг бўш вақтларини марокли ўтказадиган оромгоҳга айлантирилган. Дала шийпонларида хотин-қизлар учун алоҳида гигиена хоналари ташкил қилинган. Қўчма кутубхона, тиббиёт хоналари ишлаб турибди.

Меҳнатқашлардан тушган ариза, оғзаки мурижаатлар вақтида кўриб чиқилади ва жавоби аризаларга етказилади.

(Давоми 2-бетда).

ИНСОНПАРВАРЛИК КЎМАГИ

Американдан ўзбекистонлик болаларга бегараз ёрдам келди. Асосан кийим-кечакдан иборат бу инсонпарварлик ёрдамнинг бир қисми Болалар жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлимига берибди. 54 минг АҚШ доллари миқдоридagi кийим-кечаклар вожадаги «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, ногирон болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига тарқатилади.

Шу кунларда Болалар жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлимининг мутасаддилари АҚШдан келган ушбу буюмларни тақсимот қилиш бўйича дастлабки тадбирларни бошлади.

(ЎЗА).

Гўзалкентда саноат ривожланмаган. Шунинг учун туман иқтисодиётининг таянчи — деҳқончилик. Афсуски, қишлоқ хўжалигида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Ер ва сувдан фойдаланишда, техника хизмати кўрсатишда, ўғит ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлашда муаммолар

ЎРТАДА САРСОН ФЕРМЕР

кўп. Фикримизча, туман қишлоқ хўжалигида самардорликка эришиш учун фермерлик ҳаракати кўламини янада кенгайтириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш тақозо этилади. Биз куйида қаламага олаётган ҳолат Гўзалкент туманидаги айрим раҳбарларнинг ўз хизмат вазифасига, тадбиркорларга қай тариқа муносабатда бўлаётганини кўрсатади.

Суяги далада қотган, олий маълумотли мутахассис Мавсума Эгамбердиева 1996 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорликка қўл урди. Яъни мазкур тумандаги М.Улуғбек номили ширкат хўжалиги ҳудудидан 4 гектар ер ажратилган. «Мақсуда» фермер хўжалиги ишини йўлга қўйди. Янги қонун ва ҳукумат қарорига мувофиқ иш юритиш учун 1998 йил ноябрда хўжалик бошқарувига қўшимча 10 гектар ер сўраб, мурожаат қилди. Унинг талаби қондирилди. Дастлаб хўжалик умумий йиғилишининг, сўнгра «Анҳор» қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарорлари имзоланди. Аммо ўша пайтда туман ҳокими бу қарорларни тас-

Ислохот йўлидаги ғовлар

диқламади. Бунинг сабабини ўша вақтда ҳеч ким изоҳлаб бермади. Фермер умидвор бўлиб идорама-идора қатнайверди. На бир асосли жавоб, на бир амалий натижадан дарак бўлди. Ҳол-

(бир йилдан кейин) туман ҳокими М.Эгамбердиевага ер ажратиш тўғрисидаги хўжалик қарорини тасдиқлаб берапти. Хўжалик қарорига ажратилиши мўлжалланган ер майдони янги хўжалик ҳудудига ўтиб кетган. Бировнинг қарори билан бошқанинги ихтиёридаги ерни учинчи шахсга бериш мантиққа тўғри келмайди, албатта. Ишнинг ғалати жойи ҳам шунда.

Опанинг ишчанлиги, эришаётган натижаларини инобатга олиб, «Мевали» ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши ер ажратиш тўғрисида 2001 йил бошида қарор чиқариб берди. Аммо уни туман ҳокими ҳанузгача тасдиқлагани йўқ. М.Эгамбердиева эса ўз фермер хўжалиги ихтиёридаги 4 гектар ердан қарийб 40 центнердан пахта ҳосили етиштирди. Бундай тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳам қарз, ҳам фарз эмасми?!

Биз юқорида кўрсатиб ўтган қарорларнинг чалқаш чиқарилишига ким йўл қўйди? Туман ҳокимлигидаги мутасаддиларми, ер ресурслари хизмати бўлими ҳодимларими? Улар кимни чалғитишди: фермерни ёки ҳокимини? Вилоят агросаноат мажмуи ҳодимлари касабани уюшма кўмитаси чигал тугунни ечиб, туман ҳокимлигига тақдимнома киритди. Ўйлаймизки, ҳокимлик бу масалага албатта ижобий ечим топади.

ТАРҒИБОТ ГУРУҲИ ПАХТАЗОР КЕЗАДИ

Касаба уюшмалари Навоий вилоят кенгаши пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, теримда қатнашаётган талаба-ёшларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида тарғибот гуруҳини ташкил этди. Унинг таркибида касабани уюшма кенгаши аъзолари, санъаткорлар, адабиётчилар ҳамда телевидение ҳодимлари бор. Тарғибот гуруҳи машинасида бир йўлга пахтакорларга қўчма кутубхона, этик-дўзлик хизмати ҳам кўрсатишмоқда. Бригада аъзолари ҳар кун талаба-ёшларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан бирга, уларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни мутасаддилар кўмагида тезда бартараф этиш чораларини қўрмоқда. Бу ҳақда тайёрланган кўрсатувларни вилоят телевидениеси орқали мунтазам бериб бориш йўлга қўйилган.

Тарғибот гуруҳи ташаббус билан жойларда ўн кунлик яқунларга кўра тадбирлар ташкил этилмоқда. Фолибларга вилоят касабани уюшмалари кенгашининг эсдалик совгалари топширилмоқда.

Т.АМИРОВ,
Самарқанд вилоят АСМ ҳодимлари касабани уюшма кўмитаси ҳуқуқшуноси.
Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР

Қораўзақ тумани ишбилармон аёллар уюшмаси тадбиркорлик билан шугулланаётган хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳат бериш, хомашё билан таъминлаш, лизинг асосида усуналар сотиб олишда яқиндан ёрдам бермоқда. Утган йили уюшма орқали 269 хотин-қизга 7 миллион сўмдан ортиқ микрокредит берилди. Шунингдек, «Орол» жамғармаси ҳисобидан 13 тадбиркор аёлга 6 миллион сўмдан ортиқ кредит

ажратилди. Туманларда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга туртки бермоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Жамила Ниёзова. — Биз уларга бизнес-режасини тузиш, ишлаб чиқарган маҳсулотлари бозорини ташкил этишда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатяпмиз.

(ЎЗА).

2001 yil — Onalar va bolalar yili

Ибрат

ЭНГ ЯХШИ ОИЛА

«Зилола-Текс» корхонаси бир вақтлар Жиззах энгил саноатининг фахри ҳисобланарди. Бирок, бозор шароитида баъзи раҳбарларда омилкорлик, билим, тажриба етишмаганлиги боис, иш орқага кетди. Боз устига, кадрлар кўнимсизлиги юзага келди. Ана шундай бир шароитда мохир ташкилотчи Б.Валиев корхонага раҳбарлик қила бошлади. У ишни инсон омилига эътиборни кучайтиришдан бошлади. Жамоянинг йиллик даромадидан келиб чиқиб жамоа шартномаси тузилди ва унинг ҳар бир банди тўла бажарилишига эришила бошланди.

Моддий манфаатдорлик таъминланганлиги, яхши ишлаётган ишчи-хизматчилар юксак даражада кадрланаётганлиги ўнганлишига сабаб бўлди. Цехларда иш шароити яхшиланди. Тикув, бичув тўқув цехлари ишчилари янги бинога кўчиб ўтди. Бу билан ёзги ва қишки мавсумда бир меъёردа ишлаш имконияти яратилди. 180 нафар ходим махсус кийим-бош билан таъминланди.

Ойлик маош чаккимас. Корхонамиз ишлаб чиқариш кўрсаткичларига назар ташлайлик. Ўтган йили 104 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида бу кўрсаткич 220 миллион сўмни ташкил этди. Жамоамизда асосан аёллар меҳнат қилишади. Уларнинг ва фарзандларининг саломатликларини муҳофазалаш юзасидан аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Биргина тиббиёт кўригидан ўтказишга 60 минг сўм сарфланди. Моддий рағбатлантириш учун эса 500 минг сўм ажратилган. Ёшлар мураббийлари, кўли гул ишчилар Матлуба Эшбе-

кова ва Зулфия Носировалар кейинги ойда пул мукофотига сазовор бўлишди.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан «Энг яхши оила» кўриктанлови ўтказилаётганлиги барчага маъқул тушмоқда. Касаба уюшма қошидаги комиссия голибларни аниқлаб уларга пул мукофоти, қимматбахо совғалар топшираяпти. Бундан ташқари, корхонамизда кўп йиллар ишлаб, ҳозир нафақада бўлган табаррук инсонларни ҳам иззат-ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қиляпмиз. Любов Черникова, Валентина Котова сингари фахрийлар цехлари-мизда тез-тез бўлиб, ёшларга фойдали маслаҳатлар берадилар. Ишлаб чиқариш цехларида юзага келган соғлом муҳит, ишчилардаги иштиёқ янги довларни эгаллашда муҳим омил бўляпти.

С.КОРАБОВА,
Жиззах шаҳридаги
«Зилола-Текс»
ҳиссадорлик
жамияти касаба
уюшма кўмитаси
раиси.



Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Жиззах вилоят Кенгаши ўз фаолиятини одамлар орасига кўчириб, кўпчилик эътиборини қозонмоқда. Яқинда Жиззах шаҳридаги Тошлоқ маҳалласида вилоятдаги кам таъминланган оилаларга биринчи мадад кўрсатувчи «Тиббий-ижтимоий ёрдам маркази» ташкил этилди. Марказ Испания Қизил Ҳоч жамияти томонидан 3,5 миллион сўмлик мебел, тиббиёт анжомлари, замонавий аппаратуралар билан таъминланди.

МАҲАЛЛАДА «ТИББИЙ -ИЖТИМОЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ»

Ҳозирда бу ёрда «Ҳамшира хонаси» ишлаб турибди. Унга ўз касбининг фидойиси Дилорам Нарзуллаева бириктирилган. Ҳозиргача рўйхатга олинган 40 нафар ёлғиз кекса, кам таъминланган серфарзанд оилаларга мурувват ёрдами кўрсатилди. Марказ орқали фуқаролар-

нинг фавқуллода вазиятларда ўзига ва ўзгаларга ёрдам кўрсатиши юзасидан 12 та ўқув машғулоти ўтказилди.

Жамият қошидаги «Ёшлар клуби»га қизиқиш ортиб бормоқда. Унинг фаолияти серқирра бўлиб, энг кераклики хайрия ва ижтимоий ёрдам кўрсатишидир. Яқинда Жиззах

шаҳридаги 10-мактабда волонтерлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Тадбир жараёнида тайёрланган мазали таомлар Пахтакор шаҳридаги «Саховат уйи»га топширилди.

«Ёшлар клуби» фаоли-

ят республика Қизил Ярим Ой жамияти томонидан рағбатлантириб келинмоқда. Жумладан, энг яхши волонтерлар сўлим оромгоҳларда мириқиб дам олдилар.

М.ЭШҚУВВАТОВА,
Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Жиззах вилоят кенгаши раиси.

«Она ва бола» Давлат дастури амалда

Вилоятимизда истиқомат қилувчи бир миллионга яқин аҳолининг 225 минг нафари туғиш ёшидаги аёллардир. Улар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бораёلمиз. Жумладан, соғлом фарзандни дунёга келтириш, чақалоқлар тарбияси, яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдан келиб чиқадиган салбий оқибатлар ҳаётий мисоллар орқали атрофича тушунтирилмоқда.

Ҳомиладорлик, фарзанд туғилиши пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилувчи бир миллионга яқин аҳолининг 225 минг нафари туғиш ёшидаги аёллардир. Улар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бораёلمиз. Жумладан, соғлом фарзандни дунёга келтириш, чақалоқлар тарбияси, яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдан келиб чиқадиган салбий оқибатлар ҳаётий мисоллар орқали атрофича тушунтирилмоқда.

Марқанддаги минтақавий «Она ва бола» скриптинги маркази билан ҳайрли ишларни амалга оширяпмиз. Хусусан, 68 та туғма нуқсон билан туғилиш хавфи бўлган ҳомила аниқланиб, қатъий назоратга олинди. Зарур муолажа-лар туғайли ногирон бола туғилишининг олди олинди.

Д.РАШИДОВА,
вилоят акушерлик мажмуи бўлими мудири, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси.

ҚОНУНИЙ ТЎЛОВЛАР УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнат, ҳуқуқ инспекциясига жорий йилнинг ўтган даврида 162 та оғзаки мурожаат қилинган бўлиб, аксариятини аёллар ташкил этади. Уларга 10 миллион сўмлик вақтида тўланмаган иш ҳақи, меҳнат таътили пуллари ва бошқа қонуний тўловлар ундириб берилди.

Жиззахдаги 2517-автокорхонада меҳнат қилиб келаётган Гулбахор Қодирова штати қисқартириб раҳбарият раҳбарлари унга 2 ойлик компенсация пулини тўламай келган. Аралашувимиздан сўнг автокорхона раҳбарлари ўзларининг ҳатотларини тан олиб, Г.Қодировага тоvon пулини тўлашга мажбур бўлишди.

Жиззах туманидаги Қосимов номи жамоа хўжалигининг Олмачи қишлоғида яшовчи фуқаролар Шамсиева, Раҳмоновалар вилоят кутубхонаси филиали биноси жамоа розилигисиз кимосиди савдосига қўйиб юборилганлигини телефон орқали хабар қилишди. Бу масала ҳам аралашувимиздан сўнг ижобий ҳал этилди. Серфарзанд онахонлар ўзларининг доимий иш жойларида фаолиятни давом эттирадиган бўлишди.

Шунингдек, Жиззах туман коммунал хизмат кўрсатиш хўжалиги бўлими ходими М.Уролова, бозорда фаррош бўлиб ишлаётган Р.Қаринова, Жиззах шаҳридаги 10-алоқа бўлими бошлиғи З.Қосимова сингари аёлларнинг ҳам меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлари тикланиб, кадрдон жамоаларида ўз ишларини давом эттиришяпти.

Ш. ТОЖИБОВ,
вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бош меҳнат ҳуқуқ номири.

ТИЗИМДАГИ НУҚСОНЛАР

Вилоятдаги қатор корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда фаолият юритаётган аёлларга зарур меҳнат шароити яратиб берилмаган. «Лалмикор», «Дўстлик» нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналаридаги аҳвол бунга мисолдир. «Даштобод» корхонасида олти нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Улар махсус кийим-бош билан таъминланмаган. Хордиқ чиқариш, овқатланиш учун шароит йўқ. Меҳнат хавфсизлиги хусусида ҳам жиддий бош қотирилмаган. Буларни касаба уюшма кўмитаси аъзолари билатуриб, мурасосозлик қилишмоқда. Пировард натижа, ишловчиларнинг кайфияти ҳам шунга яраша. Хотин-қизлар эса мутасаддилар инсофга келиб, ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратишларини сабрсизлик билан куттишмоқда.

А.АБДИЕВ.



Жиззах шаҳридаги Фурқат номи 14-мактаб жамоаси Мавжуда Аҳмедова номини фахр билан тилга олади. У қатор йиллардан буён ёш авлод тарбиясига бутун маҳоратини бахшида этиб келаётган.

Суратда: тажрибали муаллима ўз ўқувчилари даврасида.

Н.СОБИРОВ олган сурат.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

...АНДИША қилиб баъзида кўп нарса йўқотамиз

Дўстлик тумани прокуратураси томонидан бир қатор қишлоқ фуқаролар йиғинларида икки ёшгача боласи бўлган оналарга нафақа тўла-ниши ҳамда моддий ёрдам қандай йўлга қўйилганлиги атрофича ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, ҳали бу муҳим ишда баъзи жойларда ўзибўларчилик, масъулиятсизлик ҳоллари мавжуд. Натижада аёллар белгиланган нафақани ололмади сарсон бўлишмоқда. «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳужжатлар танланма асосида текширилганда 13 нафар нафақа олувчи онанинг ишламаслиги тўғрисида туман меҳнат бўли-

ми томонидан маълумотлар талаб қилинмаганлиги аниқланди.

Баъзида ўринсиз андиша ҳам қимматга тушмоқда. «Меҳназор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Малика Маҳматмуродова шу йилнинг апрел ойи учун нафақа олмаган. У неча бор тегишли идорага мурожаат қилишига қарамай, у бунга баҳона қилишган. Шундан сўнг аёл ҳақини талаб қилмай қўйган. Прокуратура аралашувидан сўнг М.Маҳматмуродовага нафақа пули ундириб берилди.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН

(Боши 1-бетда).

Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида амалий семинарлар ўтказилаяпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси учинчи қурултойи ҳужжатларини ўрганиш бўйича бурчаклар мавжуд. Ойнинг ҳар охириги пайшанбасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича фаоллар ўқиши ўтказилади. Бошланғич ташкилот республика кўрик-танловида голибликни эгаллаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилинаётганлиги учун кейинги йилларда ишлаб чиқариш жараёнида бирон-та бахтсиз ҳодиса содир бўлмади. Хўжалиқда маҳсулот етиштириш кўпайиб, ҳамма тармоқлардан бир йилда 48-50 миллион сўмлик соф даромад олинмоқда ва унинг кўп қисми аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланаяпти.

Бошланғич ташкилот республика кўрик-танловида голибликни эгаллаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

«Оналар ва болалар йили»да ҳомиладор аёлларни 5 ойдан таштилга чиқариш, иш кунини бир соатга қисқартириш, пул тўла-

надиган қўшимча таътил бериш каби тадбирлар амалга ошириляпти. Кам таъминланган оилаларнинг 1270 нафар фарзанди «Коринот» оромгоҳида касаба уюшмалари ҳисобидан дам олдирилди.

«Мактаблар куни» тадбирларида фаол қатнашиб, кўмита ҳисобидан мактаб ўқувчиларига ўтган йили 150000, жорий йилда 200000 сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилди. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда болалар оромгоҳини таъмирлаш учун 6 миллион сўм, ўқувчи ёшларни соғломлаштириш учун 5 миллион 660 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Ўтган йили жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига 1 миллион 234 минг, шу йилнинг ўтган ой-

ларида 1,5 миллион сўм харажат қилинди.Ғиждувонликлар спортнинг ҳамма турлари бўйича ўтказилган вилоят мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

Кўмита ташаббуси билан туман ўйингоҳи таъмирланиб, қўшимча теннис корти қуришга киришилди. Ҳамма хўжаликлар ўзининг спорт ўйингоҳларига эга, мусобақалар мунтазам ўтказиб борилмоқда. Республика миқёсидаги мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида кам таъминланган оилаларнинг 150 нафар фарзанди суннат тўйи ўтказилди ва харажатлар ҳужжаликлар ҳисобидан қопланди.

Буюк алломалар макбараларини зиёрат қилиш одат тусига кирган. Ўтган даврда 1000 нафарга яқин



вий режаларини ошириб бажардилар. Ҳозирги пайтда 41 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этиш учун кураш бормоқда.

«...Касаба уюшма ташкилотлари фаолияти энг таъсирчан ва ҳозирча авб

фаолиятдир. Чунки, улар бевосита одамлар ҳаёти ва ташвиши билан узвий боғланган» деган эдилар Президентимиз.

Туман агроисроат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси ана шу

талаблардан келиб чиқиб, одамлар ташвиши билан яшамоқда, туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

ЁЛҚИН.

АГАР ШТАТЛАР ҚИСҚАРТИРИЛСА...

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Ходимлар сони (штати) қисқартирилганда, иш берувчи нималарга эътибор бериши зарур, ходим шу муносабат билан вазифасидан озод қилинганда унга қандай кафолат ва имтиёзлар берилади?

Х.САЛИМОВА,
тиббиёт ходими, Хўжайли тумани.

ЖАВОБ: Ходимлар сони (штати) қисқартирилганда, иш берувчи меҳнат қонунчилигини яхши ўзлаштирган бўлиши зарур.

Амалдаги қонунга асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келадиган ишлар ҳамининг қисқарганлиги шу асосда меҳнат шартномаси тўхтатилишини келтириб чиқаради ва Меҳнат Кодексининг 100-модда 2-қисмининг 1-банди билан меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Зарур бўлганда, иш берувчи меҳнат шартномасини технологиядаги, ишлаб чиқариш ходимлар сонининг ёки ишлар хусусияти ўзгаришининг меҳнат шартномасини бекор қилинишига сабабчи бўлганлигини исботлаб бериши керак.

Шуни ёдда тутиш керакки, қисқартириш ўтказилганда, ходим қисқармайдиган, балки уларнинг сони қисқаради. Масалан, бир бўлимда бир неча ҳамшира ишлаши мумкин. Шунга қарамадан, айрим иш берувчилар ҳамширалардан қайси бири қисқартирилишини аниқлашдан тўри, улардан бирининг номини буйруқда кўрсатади. Бу, албатта, нотўғри. Бундай шароитда биринчи навбатда ходимларнинг штатлар жадвали тасдиқланиши керак.

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, улар-



нинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан иш берувчининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган муассасани ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тегишли касаба уюшмалари камида уч ой олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан ходимларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

бар қилади.
Ходимлар сони қисқариши муносабати билан ходим вазифасидан озод қилиниши мумкинлиги тўғрисида оғоҳлантирилгандан сўнг, иш берувчи ва ходимнинг ўзаро келишуви асосида бу икки ойллик оғоҳлантириш мuddати пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Оғоҳлантириш мuddати тамоm бўлгандан сўнг ходимни иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмасagina ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, II қисм, I-банди билан бекор қилиниши мумкин.

Ҳар бир иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси қуйидагиларни билиб қўйиши зарур:

- меҳнат шартномаси кўрсатилган асосда бекор қилишда Меҳнат Кодексининг 101-моддаси талабларига амал қилиниши зарур, яъни жамoa келишуви ёки жамoa шартномасида касаба уюшма кўмитаси ёки ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса,

- Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси ўртасида 2001 йил 25 майда 2001-2003 йиллар учун тузилган келишувда иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилганда фақат мазкур тиббиёт муассасаси касаба уюшма кўмитаси билан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бу ўзаро тузилган келишув муассасанинг жамoa шартномасида касаба уюшма кўмитаси билан олдиндан келиши олиш кўрсатилгани, йўқми, Республикадаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасаруфидан бўлган барча муассаса ва корхоналарга тегишлидир.

Бошқа вазирликлар ва касаба уюшмаси Марказий кўмиталари ўртасида ҳам мана шундай келишувлар тузилади.

Ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, Меҳнат Кодексининг 67-, 109-моддаларига мувофиқ ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлган ишдан бўшатиш нафақа тўланади ва ходим ўн кун мuddат ичида маҳаллий меҳнат



органидан рўйхатдан ўтишиги оғоҳлантирилади.

Агар ходим ишдан бўшатирилгандан кейинги иккинчи ойда ҳам ишга жойлаша олмас, у иккинчи ой тамом бўлгандан сўнг иккинчи ой учун моддий мадад беришни сўраб охириги ишлаган муассаса раҳбари номига ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Ходим паспортини ва меҳнат дафтarchасида ишга қабул қилинганлиги тўғрисида маълумот йўқлигини кўрсатиши шарт. Сўнг ходимга иккинчи ой учун моддий мадад сифатида ўртача ойллик иш ҳақи миқдорида нафақа тўланади.

Ишга жойлаша олмаган ходим учинчи ой учун ҳам моддий мадад олиши мумкин. Фақат ходим кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, маҳаллий меҳнат органидан, у ҳисобда туриши ва ишга жойлаштирилмаганлиги тўғрисидаги маълумотномани ҳам тақдим қилиши зарур.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан икки ойллик оғоҳлантириш мuddати пуллик компенсация билан алмаштирилганда ҳам ходим вазифасидан озод қилинганда Қонунда белгиланган ишдан бўшатиш нафақаси, ишдан бўшайдан кейинги иккинчи ва учинчи ойлари учун моддий мадад олиш ҳуқуқи унда сақланиб қолади.

Агар ходим икки ойллик оғоҳлантириш мuddати тугамасдан у билан келишилмаган ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса ва ходим ариза билан мурожаат қилса, у ўз иш жойига қайтиш тикланмайдиган, фақат ишдан бўшатиш мuddати икки ойгача узайтирилиши ва бу давр учун унга ўртача иш ҳақи тўланади.

Бу ҳолда ходимнинг меҳнат дафтarchасига ишдан бўшаш мuddати узайтирилганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.

Иш берувчиларга ва касаба уюшма кўмиталари раисларига Эсламбег ўтиш зарурки, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 5-қисмига асосан ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ва таътиллarda бўлган даврида, булардан ташқари шу Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ ҳомилдор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан, шу жумладан, штатлар қисқариши муносабати билан бекор қилинишига асло йўл қўйилмайдиган.

OLAMIDA

МОЖАРО ТЎХТАМАЙДИГАН КЎРИНАДИ

Фаластинликлар томонидан Хеврон шаҳридаги зиёратгоҳлардан бирининг ўққа тутилиши натижасида тўрт нафар исроиллик аёл қатл қилинган. Улардан бирининг ахволи оғир, дея баҳоланмоқда. Ҳодиса жойи Исроил ҳарбийлари томонидан қўраб олинган. Ўқ отганлар қидирилмамоқда.

АВТОБУС ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ



Greyhound компаниясига қарашли автобуснинг ҳалокатга учраши натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳодиса Манчестер шаҳри-

Россия президенти Владимир Путиннинг Белгияга сафари низоҳисига етди. Уч кунлик ташриф давомида В.Путин Россия-Европа Иттифоқи саммитига иштирок этди, қатор давлатлар раҳбарлари ҳамда НАТО бош қотиби билан мулоқотда бўлди.

Исроил ҳукумати фаластинликларнинг сўнгги террорчилик ҳаракатидан кейин Фаластин мухторияти раҳбарияти билан алоқани бутунлай узди. Бош вазир Ариел Шарон шундай баёнот берди. Ушбу қарордан сўнг, ташқи ишлар вазир Шимон Перес билан Фаластин раҳбарияти вакиллари Аҳмад Қурий ва Соиб Ариқат ўртасида ўтказилиши режалаштирилган учрашув ҳам бекор қилинди.

АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риядга келди. У Уммон ва Мисрга ҳам боради. Бўлажак музокаларда мазкур давлатларнинг АҚШ ташаббуси билан тузилаётган террорчиликка қарши халқроқ

дан 50 километр берида юз берган. Омон қолган йўловчилардан бирининг айтишича, ҳайдовчига автобус саломидаги шахс пи-чоқ ўқталган. Натижада ҳайдовчи бошқарувни йўқотган ва автобус ағдарилиб кетган. АҚШ адлия департаменти матбуот хизматидан хабар беришларича, таъвоуз қилган киши ўлмай қолган. Ёнидан то-пилган гувоҳномага қара-ганда, у хорват миллатига мансуб.

САМОЛЁТ ГАРОВГА ОЛИНДИ

Бомбай шаҳридан ҳавога кўтарилган, Хиндистон авиакомпаниясига қарашли Боинг-737 самолёти террористлар томонидан кўлга олинган. Бортида 53 нафар йўловчидан иборат ҳаво лайнери Хиндистоннинг шимолий-шарқидagi Нью-Дели шаҳрига қўши-га мажбур бўлган. Террор-чилар ким ва уларнинг мақсади нима эканлиги ҳозирча аниқланган эмас. Самолёт полиция томони-дан қўраб олинган. Ҳуку-

коалицияга қўшилиши муҳокама этилади.

«Толибон» ҳаракати 28 сентябрда Афғонистонда ҳибсага олинган британиялик журналист Ивон Ридлини Фарб давлатлари томонидан Афғонистон ҳудудига ташланган жосус бўлиши мумкин, деб гумон қилмоқда. Агар шундай бўлиб чиқ-са, бунга ўта жиддий жи-ноят сифатида қаралади, деди «Толибон» маъму-риятида ваборот ва ма-даният вазир вазифа-сини бажараётган Қуд-ратулла Жамол.

АҚШ Марказий развед-ка бошқармаси (МРБ) Усама бин Лодинни йўқ қилиш учун 11 сентябрда-ги террорчиликдан аввал ҳам тайёргарлик кўрган экан. Маълумотларга кўра, икки йил аввал аме-рикалик мутахассислар покистонлик махсус гуруҳ жангчиларини Афғонис-тон ҳудудига ҳуфна ки-риб, террорчини кўлга ту-ширишга тайёрлаган, би-роқ бу операция Покис-тонда юз берган ҳарбий ўн-ташри тўғрйли амал-га ўтмай қолган.

Покистон «Толибон» ҳаракати билан диплома-тия муносабатларини уз-моқчи. «Майнити» газе-та-си мухбирининг Исло-мободдаги ҳукумат ма-нбаъларига таяниб ёзи-шича, президент Парвез Мушарраф гуё БМТ Ха-вфсизлик кенгашига Аф-ғонистонда коалицион ҳукумат тузиш лозим, де-

мат улар билан музокара олиб боришга уринапти.

ЯНА БИР ЗАРБА

АҚШ ва Буюк Британия-нинг жанговар самолётла-ри Ироқ жанубидаги ни-шонларга зарба берди. Пентагон вакили шу ҳақда хабар берди. Унинг ай-ти-чоқ ўқталган. 360 ки-лометр жанубий-шарқда жойлашган иккита ҳарбий иншоот ўққа тутилган. Авиазарба оқибатлари ҳали маълум эмас.

АҲОЛИ СОНИ КАМАЙМОҚДА

Кейинги ўн йил ичида Болгария аҳолиси 1 миллион кишига қисқарган. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари шундан дало-лат беради. Болгария миллий статистика инсти-тути маълумотларига қараганда, мамлакат аҳолиси 1992 йилдаги 9 миллиондан салкам 8 миллионга тушиб қолган. Институт ходимларнинг ай-ти-шича, мамлакатда ту-гилишининг жуда паст да-ражага тушиб қолгани ана шундай кўрсаткичга олиб келган.

«Интернет» хабарлари асосида Аскар ШОКИР тайёрлади.

ган. Бу амалда толиблар билан алоқани узиш де-ганидир.

Афғонистонлик қочкин-лар учун инсонпарварлик юки ортилган Япония-нинг олтига ҳарбий-транспорт самолёти По-кистонга келди. Мазкур тадбирга Япониянинг 200 нафар ҳарбий хизматчи-си жалб этилган. Само-лётларда чодирлар, тўшаклар ва бошқа зарур жиҳозлар олиб келинди.

Нью-Йоркда содир этилган террорчилик ҳаракатидан кейинги даврда илк бор АҚШ иқтисодиёти ҳолатини акс эттирадиган Доу-Жонс индекси яна 9 минг кўрсаткичга юксалиб, ўзини тиклаб олди. Му-тахассисларнинг таъкид-лашича, бу сармоядор-ларнинг эртанги кунга ишончи ортганини кўрс-атади.

АҚШ Сенати Вьетнам билан савдо муносабат-ларини яхшилашни кўзда тутадиган битимни тас-диқлади. Унинг тасдиқ-ланиши АҚШ билан Вьетнам ўртасида ҳар томонлама алоқаларни тиклашда муҳим аҳами-ятга эга. Энди Вашинг-тон билан Ханой бир-би-рига нисбатан бож со-лиқларини камайтиради. Мутахассисларнинг фик-рича, битим имзоланган-дан кейин АҚШнинг Вьетнамга экспорт ҳажми миллиард доллар-га етиши мумкин.

(ЎЗА).

АҚШ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ЎҚИШГА ЧОРАЙДИ

Ўзбекистон Ёш олимлар миллий жамияти, Фан ва техника давлат кўмитаси, Давлат илмий ахборот фон-ди АҚШнинг Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши (ACCELS) билан биргаликда Илмий техника кутубхонаси-да учрашув ташкил этди.
- Учрашувдан мақсад кен-гашимизнинг Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалари билан таништиришдан иборат, деди ACCELSнинг Ўзе-бекистондаги ваколатхонаси раҳбари Билл Сэнд Вей. Кенгаш бу йил мамлакатин-гизда уч йўналишда, яъни ба-калаврият, магистратура ва ёш олимлар учун мўлжаллан-ган дастур лойиҳаларини эълон қилган. Мазкур дастур ёш олимлар учун икки йил-лик, бакалаврият учун икки-уч йиллик ва магистратура учун бир йиллик лойиҳа тар-зида белгиланган. Ҳар бир лойиҳанинг бир йиллик қий-мати 35 минг АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳалар асосида таълим олган ёшлар Ўзбекистонга қайтган, ўша соҳада икки йил ишлаб бе-риши шарт. Лойиҳада қатна-шишни хоҳловчилар инглиз тилида эркин сўзлаша олиши ва ўз соҳасини пухта эгал-лаган бўлиши керак.

ACCELSнинг бу йилги тан-ловлари, асосан, ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассис-ларига мўлжалланган. Тан-лов натижалари 2002 йил-нинг апрел ойида маълум бўлади.
(ЎЗА).

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумийлик бойлиқидир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасидан).

Она табиатнинг жам-мик бойликлари ин-соннинг фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилади. Қашқадарёда ҳам атроф-муҳитни муҳофазалаш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида кўп иш қилинмоқда.

Бундан ярим аср муқаддам воҳанинг чўл худудларида мин-глаб гектар ихотазор-лар яшил ўрмон каби ястаниб, даштага ўзга-ча чирой бағишлар ту-рарди. Нишон, Мубо-рак, Усмон Юсупов, Бахористон, Косон ту-манларидаги қўйчи-лик ҳўжаликларининг ҳар бирида 3-4 минг гектарлаб ерда сак-совул ва изен ўсим-ликлари гуркираб ўсар, чўлнинг қуруқ табиатига мослашган яшил экинлар қўй-қўзилар учун тўйимли озуқа манбаи ҳисоб-ланарди.

Қарши даштини ўзлаштириш авж ол-ган баҳор кунларида Нишон туман қишлоқ ҳўжалиги бошқарма-

САКСОВУЛЗОР - МЕҲРГА ЗОР

сининг бошлиги, таж-рибали агроном Тош-ўлат Номозов билан чўпонлар ҳузурига йўл олди.
Беповён дашт бағри-да булдозерлар ҳай-риб ишламоқда. Тева-рак-атрофни чанг-тўзон қоплаган. Ҳамро-ҳим оғир хўрсиниб, то-мири билан ағдарила-ётган саксовулларни кузатар экан, қалбида яшириниб ётган дард-ларини тўкиб солди.
— Чўлнинг ўзлашти-рилиши жуда яхши. Би-роқ, қандай бўлмасин мана шу дарахтларни сақлаб қолиш керак эди...
Тошўлат ака ҳаётдан кўз юмганига кўп йил-лар бўлди. Уни хотир-лар эканман, ўйлаб қоламан. Тажрибали му-тахассиснинг куюгани-ча бор экан. Чунки у ол-тиминчи йилларнинг ўрталарида самолёт ор-


Она табиатни асраб-авайлайлик

қали саксовул уруғла-рини сеппи ўстиришга, чўл бағрида ихотазор-лар барпо этишга кат-та ҳисса қўшганди.

ро худудларида минг-лаб гектар ерга сак-совул экилган эди. Тажрибали чорвадор, марҳум Салоҳиддин номли наслчилик ҳўжаликларидаги сак-совулзор ва изензор-лар йўқолиб кетди. Ҳозирги пайтда жуда оз миқдорда сақла-ниб қолган.
Об-ҳаво қурғоқчил келган, табиий ўт-ўланлар кам ўсган йилларда чорва учун тўйимли озуқа ҳисоб-ланган саксовулзор ва изензорларни қай-та тиклаш ҳозирча ҳеч кимнинг ҳаёлига келганича йўқ.

Шуни унутмайлик-ки, ҳар бир киши та-биат қўйнида яшаб, камол топади. Табиат ризқ-рўз ва бойлиги-миздор. Ям-яшил ўрмонлар, ихотазор-лар, саховатли замин, зилот сув, такорлан-мас ҳайвонот ва на-ботот дунёсини асра-б-авайлаб, келажак авлодларга мерос қолдириш муқаддас бурчимиздир.
Демак, бўлиб меҳ-рига зор бўлиб ётган саксовулзорларни тиклаш, парваришлаш ва қоракўл қўйлар боқиладиган яйлор-ларга экиб, қўпайти-риш муҳим вазифали-гича қолади.

Асомов чорва учун озуқа ҳисобланган саксовулзорларни қўпайтириш ишига бош қўшганлардан. И.Отақурбонов, Н.Ба-далбоев каби ҳўжалик раҳбарлари бу хайр-ли тадбирни давом эт-тириш ташаббускор-лари бўлдилар.
Яна бир ўсимлик изен деб аталади. Бу экин бир йиллик, ча-лабута, гулларни кўки-мтир, барглари узун, те-кис қиррали.
Изеннинг дунё набо-тотида 80 тури маълум. Хивчинли, озуқабоп экин асосан дашт ва саҳро ерларида, тош-лоқ қир-адирларда ўсади. Витаминли, тўйимли озуқа.
Қарши даштини ўзлаштириш баҳонаси-да «Нишон», «Ўзбекис-тон», «Муборақ», «Фу-зор», «Чорвадор», «Ту-рон», «Фафур Фулом



Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

NIMA GAP

СИХАТГОҲЛАРДА ҲУВ МАШГУЛОТЛАРИ

«Нау-Хау» Британия жамғармаси мамлакатимизда «Саломатлик» лойиҳасини амалга оширишда тадбиркорлик билан иш қўймоқда. Бу нуфузли жамғарма саъй-ҳаракати билан интернет тармоғида Ўзбекистон учун махсус сайт ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди.

Мазкур алоқа воситаси орқали умумрақлик амалиётдан ўқув дастури ва адабиётларига доир қизиқарли материалларни топиш мумкин.

Бундай жараён билан шифокорларни яқиндан таништириш мақсадида вилоятимизнинг Қибрай ва Тошкент туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларида ўқув машғулотлари ўтказилди.

ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИЯ ЛОЙИҲАСИ

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида замонавий компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай изланишларда Очқ жамият — Ўзбекистон Кўмак институти — СОРОС жамғармасининг иштироки катта бўлмоқда.

Институт томонидан «Педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимида интернет-технология лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам бу ҳамкорлик қўл келди. Шуниси қувонарлики, жамғарма мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаб, махсус грант ажратди.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси ўқитувчилари ва шу соҳа мутахассисларини лойиҳада кўрсатилган масалалар бўйича ўқитишга киришилди. Бу эса халқаро ахборот тизимларига кириб боришни кенгайтириш, малакали дастурчи-мутахассислар тайёрлашни яхши йўлга қўйиш имконини беради.

А.АЛИЕВ.

Ҳаёт гўзал, унинг ҳар лаҳзаси бетакрор. Сахар чоғи тоғлар ортидан бош кўтарайтган кўёш, унинг бутун борлиқни ёруғликка йўғираётган заррин нурлари, оппоқ қорга бурканган баланд тоғлар ва тошдан-тошга урилиб, шарқираб оқайтган зилол сувга ҳеч эътибор берганмисиз? Ёки турли анвойи гулларга учиб кўнаётган капалаклар, майсаларни охишта тебратиб, хушбўй хидларни димокка уфурайтган сархуш еллардан сармаст бўлганмисиз? Ҳа, табиатнинг ҳар лаҳзаси мўъжиза. Бу мўъжизани, бу гўзаллиқни англаш, ҳис этмок учун соғлом вужуд, ўткир нигоҳ, нозик дид керак.

Ҳаётнинг ҳали ёзилмаган, биз гоҳ-гоҳида унчалик назарга илмайдиган жиҳатлари кўп. Инсон нимани йўқотса, шунга нисбатан ўзида кўпроқ эҳтиёж сеза бошлайди. Масалан, қачонки бетоб бўлиб, хасталик қийнай бошласа саломатлик ҳақида қайғура бошлаймиз. Ҳар қандай беморнинг соғайиши, унинг тақдири бевосита шифокорга боғлиқ.

Ўзим қишлоқда туғилиб ўсганман. Шу боис бундан ўттиз-қирқ йил олдин қишлоқда тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи қай аҳволда бўлганлигини яхши биламан. Қизамик, тиф, бўғма каби касалликлар кўпинча ёш болалар умрига зомин

ШИФОКОРНИНГ ҚАЙНОҚ ҚАЛБИ

бўларди. Зотан, Худойберди, Тўхтасин, Ўлмас каби исмлари одамлардан туриб, мулоқотга киришиш қийин. Сиз беморда шундай ишонч уйғота олингки, токи у сиздан ҳеч нарса ни яширмасин. Сизни ўзининг энг яқин қадрдонидек билиб, астойдил нажот кутсин. Зеро, аллома Ибн Сино айтиб кетганидек, хасталик жараёнида уч ҳолат: тибби, бемор ва касаллик мавжуд. Агар тибби беморни ўз томонига ўтказ олса, касалликни ен-

шингизда турган беморнинг ички оламини, руҳият дунёсини англамасдан туриб, мулоқотга киришиш қийин. Кундалик турмуш тарзи, озодалик, тартиб ва орасатлик, шахсий гигиена-соғлом турмуш гаровидир. Шифокор сифатида мени хавотирга солаётган ҳол бу гиёҳвандликдир. Инсон ақл-заковати, тиббиёт ва фантехника тараққиёти билан бошқа хасталикларнинг олдини олиш, уларни даволаши мум-

кин. Лекин гиёҳвандлик туфайли юзага келаятган хасталиқларга чора йўқ. Айнан шу гиёҳвандлик туфайли ҳали фанга маълум бўлмаган ирсий касалликлар пайдо бўлиши хавфи бор. Шу боисдан менинг истагим аср вабоси бўлмиш гиёҳвандликка қарши курашнинг энг таъсирчан усулларидан фойдаланиш керак. Токи, юртимизда ҳеч ким, айниқса, ёшлар, бу офат тўрига тушиб қолмасин.

Инсон ҳамма нарсадан азиз. Инсонни сақлаш, унинг руҳиятини авайлаш зарур. Мен ўз кузатишларимдан келиб чиқиб, юракни дори билан эмас, балки юракни юрак билан даволаш керак, деган ҳулосага келдим. Зеро, шифокорнинг очқ қалби, ширин сўзи, қайноқ меҳри ҳар қандай дори-дармондан устун.


Ўрозбоқ УБАЙДУЛЛАЕВ, шифокор.

Саломатлик — туман бойлик

оқибатида ҳаётдан кўзги мукаррар. Инсон табиатнинг бир бўлаги. Одамлар саломатлигининг йиғирма фоизи бевосита табиатга боғлиқ. Шунинг учун ҳам улуг табиб «Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаса, одам минг йил умр кўрарди» деган эди.

Табиат билан инсон орасидаги номутаносиблик касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Кундалик турмуш тарзи, озодалик, тартиб ва орасатлик, шахсий гигиена-соғлом турмуш гаровидир.

Инсон ҳамма нарсадан азиз. Инсонни сақлаш, унинг руҳиятини авайлаш зарур. Мен ўз кузатишларимдан келиб чиқиб, юракни дори билан эмас, балки юракни юрак билан даволаш керак, деган ҳулосага келдим. Зеро, шифокорнинг очқ қалби, ширин сўзи, қайноқ меҳри ҳар қандай дори-дармондан устун.



Юртим жамоли

Ю. СОЛОДОВНИКОВ олган сурат.

Биласизми? «ГАЗ» АТАМАСИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Улуғ олим Галилей замондоши бўлмиш голланд кимёгари ва шифокори Ян Гельмонт бир неча йиллик тажрибалари асосида ҳаво икки таркибий қисмдан иборат деган ҳулосага келди. Ҳавонинг ана шу таркибий қисмларидан бири ёнишига ёрдам беради, ҳатто ўзи ҳам ёнишга мойил, иккинчиси эса бундай хусусиятга эга эмас.

Олим ўзи кашф этган қаттиқ ҳам, суяқ ҳам бўлмаган бу моддага мақбул ном топиш устида анча бош қотирди. «Ҳавонинг ҳозиргача номаълум бўлиб келган шу турини «газ» деб атадим», - деб ёзганди Гельмонт. Шундай қилиб, бундан уч юз йил аввал номаълум бўлган газнинг ҳозирги вақтда кўп тури мавжуд. Шулардан бири ёнувчи газдир. Ёнувчи газ бугунги кунда халқ ҳўжалиги тараққиётида беқийёс ўрин тутмоқда.

«НАСАФ» ЧАРЧАДИ...МИ?

Учинчи турки қаршилик футболчилар сафарда тўп суришади. Ҳа, тўп суришади, ҳолос. Мухлислар мавсум бошида томоша қилганлари ўйин, афсуски, кейинги пайтларда кўзга ташланмаётир. Фарғонада чемпионат пешқадамидан олинган тақшатиқ зарба, чамаси, жамоага ёмон таъсир қилган кўринади. Жиззахда «Сўғдиёна» командаси ҳам айни кезде «Насаф»дан кучсиз эмаслигини исботлаб, ишончли галабага эришди.

Тан олиш керак, Тошкентда «Академия» жамоаси билан кечган баҳода ҳам «Насаф» аранг мағлубиятдан қутилиб қолди. Учрашувнинг 86-дақиқасида 1:2 ҳисоби қайд этилган, жуда кўпчилик қаршилик

футболчилар бу гал ҳам майдонни бош эгиб чиқиб кетади, деб ўйлай бошлаган эди. Яхшики, қарши ҳужум самарали яқун топди ва ўйинга сўнгги нуқта моҳир Баҳодир Аннаматов томонидан қўйилди. Лекин бу дуранг «На-

саф»нинг иккинчи ўринда мустаҳкамланиб олишини шубҳа остида қолдирди. Ўтган йилги чемпион — «Дўстлик» ўз майдонида «Пахтакор» жамоасига 1:2 ҳисобида ўйинни бой бергач, пойтахтликларнинг кумуш медал учун кураш олиб бориш имкониятлари янада ортди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Зарафшон» - «Семурғ» - 3:1, «Турон» - «Навбахор» - 2:1, «Кимёгар» - «Металлург» - 0:0, «Трактор» - «Сур-

Ўзбекистон чемпионати

хон» - 3:0, «Самарқанд» - «Бухоро» - 2:0, «Сўғдиёна» - «Кизилқум» - 1:0, «Андижон» - «Нефтчи» - 0:1.



28-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Table with 7 columns: Жамоалар, Ҳ, Ю, Д, М, Т-Н, О. It lists the current standings of various football teams in Uzbekistan.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотуvida эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Савдолар 2001 йил 15,30 октябр, 15,30 ноябр кунлари соат 11.00 да Республика биржа маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида ўтказилади.

Танлов савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

1.Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган Яккасарой туман халқ таълими бўлимига қарашли 264-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 7439849 сўм

Танлов савдосидан болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:

- 1.Мақтабгача болалар муассасасининг фаолият йўналишини ўзгартирмаслик;
2.Мақтабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
3.Амалдаги талаб ва меъёрларга мувофиқ болалар мактабгача муассаса биносини, иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш;
4.Боғча ҳудудини санитар талаблар бўйича ободонлаштириш, ёнгинага қарши чора-тадбирларга мувофиқ сақлаш;
5.Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;
6.Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

2.Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, «Қайнар» қишлоғида жойлашган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қашқадарё вилояти бошқармасига қарашли «Мингчинор» асаб касалликларини даволаш шифохонаси.

Бошланғич баҳоси — 30860 минг сўм (76500) АҚШ доллари.

Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:

- 1.Шифохона фаолиятини 3 йилгача ўзгартирмаслик.
2.Қўшимча тиббий хизматлар турларини ташкил этиш.
3.Шифохонани замонавий тиббиёт аппаратуралари билан таъминлаш.
4.Санитария ва гигиена қоидаларига қатъиян амал қилиш.
5.Иккинчи жаҳон уруши, афгон уруши ва Чернобыль атом электростанцияси фалокати қатнашчилари ҳамда 1-гурӯх ногиронларига имтиёзли равишда хизмат кўрсатиш.
6.Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2001 йил 15 сентябрда (15 сентябрда харидорлардан етарли аризалар тушмаган тақдирда) 30 сентябр кун (30 сентябрдан етарли аризалар тушмаган тақдирда) 15 ноябр кун (15 ноябрда харидорлардан етарли аризалар тушмаган тақдирда) 30 ноябр кун Республика биржа маркази биносининг 3 қаватидаги мажлислар залида очилади.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 3 кун қолганда тўхтатилади. Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юрtdошлариниз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилми: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26; 136-28-75. Факс: 136 06 17